Шартнома № 06-22

Лойиҳа-смета ишларини бажариш бўйича

2022 йил "24 " май Тошкент шаҳри.

"Ўзсувтаъминот" АЖ "Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти худудий бошқармаси (кейинги ўринларда **«Буюртмачи»** деб юритилади) номидан Ишончнома асосида иш юритувчи унинг бошқарма бошлиғи **И.Мухитдинов** бир томондан ва **"ALFA-BEST-STROY" МЧЖ** (кейинги ўринларда **«Лойиҳачи»** деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи унинг **раҳбари Ж.Кулбоев,** иккинчи томондан, **"Паркент тумани Наврўз МФЙдаги (Шўроп ва Гулзор) кўчаларни ичимлик суви билан таъминлаш"** объекти лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб ижобий экспертиза хулосаси олиш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани тузиб имзоладилар.

## 1. Шартнома мавзуси

1. **"Лойиҳачи"** мазкур шартнома шартларига кўра **"Паркент тумани Наврўз МФЙдаги (Шўроп ва Гулзор) кўчаларни ичимлик суви билан таъминлаш"** объекти бўйича лойиҳа олди ишларини, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда давлат экспертиза органининг ижобий хулосасини олиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

## 2. Шартнома бўйича ишлар қиймати

2. Мазкур шартнома бўйича **"Лойиҳачи"** томонидан танлов комиссиясининг 2022 йил 19.май 84810-сон баённомаси қарорига мувофиқ бажариладиган ишлар қйимати барча солиқлар билан шу жумладан, ҚҚС билан **63 000 000** (олтмиш уч миллион) сўмни ташкил этади.

3. Ишларни қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми «Буюртмачи» томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзайтирилганда.

4. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади ва ўзгартирилади.

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгартиришлар "Буюртмачи" билан "Лойихачи" ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## 3. Лойихачининг мажбуриятлари

6. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва барча ишларни тулик хажмда ва муддатларда узининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан **тасдикланган КМК коида ва кулланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб** бажаради хамда ишни "Буюртмачи"га мазкур шартнома шартларига мувофик топширади; Мухандис билан бажариладиган иш боскичларини келишади, бажарилаётган ишлар хакида муҳандисга ахборот тақдим қилади.

7. Буюртмачининг рухсатисиз ишларни бажариш учун учинчи шахсга бермайди.

## 4. Буюртмачининг мажбуриятлари

8. Мазкур шартномани бажариш учун «Буюртмачи»:

– мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома бўйича «Лойиҳачи»га бериш;

– ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган «Лойиҳачи" томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, «Лойихачи»дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

## 5. Ишларни бажариш муддатлари

9. Шартнома:

- миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

- кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

10. **Ишларни бажариш муддати 30 кун.**

## 6. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

11. **"Буюртмачи" "Лойиҳачи"**га шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтгандан сўнг, шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг **30 фоизи яъни 18 900 000 (ўн саккиз миллион тўққиз юз минг) сўм** миқдорида аванс маблағини ўтказиб беради. Қолган маблағлар бажарилган ишларга кўра ҳамда ажратиладиган маблағларнинг миқдоридан келиб чиқиб жорий молиялаштирилади.

12. **"Буюртмачи"** томонидан **"Лойиҳачи"га** аванс ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвали (1, 2 - илова)лари асос ҳисобланади.

13. **"Лойиҳачи"** лойиҳани топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бажарилган ишлар Буюртмачига топширилгунга қадар лойиҳанинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи "Лойиҳачи"нинг зиммасида бўлади.

14. Шартномани амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йил.

## 7. Ишларни бажариш

15. "Лойиҳачи" бажариладиган ишларга муҳандис тайинлайди. Муҳандис бажариладиган ишлар босқичларини келишади, бажарилаётган ишлар ҳақида "Буюртмачи"га ахборот тақдим қилади. Муҳандис қурилишнинг бутун даври давомида муаллифлик назоратини амалга оширади.

## 8 . Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

16. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

17. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

18. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## 9. Кафолатлар

19. Лойиҳачи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини кафолатлайди.

## 10. Шартномани бекор қилиш

20. "Буюртмачи" қуйидаги ҳолларда шартномани бир томонлама, "Лойиҳачи"ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бекор қилиш ҳуқуқига эга:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши "Буюртмачи"га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра "Лойиҳачи" томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати "Лойиҳачи"нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, "Лойиҳачи" томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

21. "Лойиҳачи" томонидан шартнома шартларига кўра **тасдикланган КМК коида ва қўлланмаларига риоя қилмасдан лойиҳа ишлари қилинганда**.

Бундан ташкари "Буюртмачи" қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

22. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

23. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

## 11. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

24. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

25. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, инвестор томонидан берилган маблагни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун "Буюртмачи" "Лойиҳачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,1 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг **30 фоиз**идан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши "Буюртмачи"ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

26. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун "Буюртмачи" "Лойиҳачи"га ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **1 фоизи** миқдорида жарима тўлайди.

27. "Лойиҳачи" смета-хужжатларини ўз вақтида топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун "Буюртмачи"га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,1 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **30 фоиз**идан ошмаслиги лозим. "Буюртмачи" томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун "Лойиҳачи" "Буюртмачи"га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,1 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **30 фоиз**идан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш "Лойихачи"ни ишларни бажаришнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

28. Агар бажарилган ишлар иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, "Лойиҳачи"дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг **15 фоизи** миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

29. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

30. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## 12. Низоларни ҳал этиш тартиби

31. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар узаро огзаки ёки ёзма равишдаги мулокотлаор оркали хал эта олмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## 13. Алоҳида шартлар

32. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

33. "Лойиҳачи" лойиҳага ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини "Буюртмачи"нинг ёзма рухсатисиз, бирон-бир учинчи томонга бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

34. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

35. "Буюртмачи" билан "Лойиҳачи" ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритиш орқали ёзма равишда тасдиқлашлари керак.

36. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

37. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

## XVI. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

**Буюртмачи**

**«Ўзсувтаъминот» АЖ "Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти худудий бошқармаси**

Ташкент ш. Ниёзбек йули – 1
л/с:401722860272497063201110001
тел. 234-30-46; 234-05-08.
ИНН 305 973 162, ОКЭД 42210
ОПЕРУ Казначейства МФ РУз
каз/сч 23402000300100001010
МБ ББ ХККМ г.Ташкент, МФО 00014
ИНН каз под 201 122 919

**Бошқарма бошлиғи** ______________ **И.Мухитдинов**

**М.Ў**

Юрист ______________

**Лойиҳачи**

**"ALFA BEST STROY" МЧЖ**

Тошкент вилояти Пскент тумани Гулшан кўчаси.
Тел: 97-211-90-62
Х/р: 20 208 000 500 948 697 001
АТБ Халқ банк, Ўртачирчиқ филиали
МФО: 00775 ИНН: 305890529
ОКОНХ: 66000 ОКЭД:

**Директор** ______________ **Ж.Кулбоев**

**М.Ў**

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 84810 на приобретение “Паркент тумани Наврӯз МФЙдаги (Шӯроп ва Гулзор) кӯчаларни ичимлик суви билан таъминлаш”

Способ проведения электронный

Дата 19.05.2022

Время рассмотрения 18.05.2022 19:13

Конкурсная комиссия Сув таъминоти ва Окова сув объект. курилиши буйича инжен. компан. унитар корхо. Тошкент вил. худудий бошка, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MUXITDINOV ISLOM ISROILOVICH | Бошқарма бошлиғи | “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бӯйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти худудий бошқармаси |
| **Секретарь комиссии** | ISAQULOVA DILNOZA BERDIKULOVNA | Начальник отдела | УП “Инжиниринговая компания по строительству объектов водоснабжения и канализации» по г.Ташкенту и Ташкентской области |
| **Член комиссии** | TUYCHIYEV SHOXRUX ORTIKJANOVICH | Начальник отдела | “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бӯйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси |
| **Член комиссии** | BOBOKULOV AZIM GAFUROVICH | Гл.инженер | Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бӯйича инжиниринг компанияси УК Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳудудий бошқармаси |
| **Член комиссии** | KARIMOV KARIMJON YUSUFOVICH | Бӯлим бошлиғи | “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бӯйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти худудий бошқармаси |
| **Член комиссии** | URALBAYEV FARMONBEK TURABAYEVICH | Зам.директора | “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бӯйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 19.05.2022 года № лота 84810.
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга, связанная с разработкой проектной документации** |
|---|---|
| Подробное описание | “Паркент тумани Наврӯз МФЙдаги (Шӯроп ва Гулзор) кӯчаларни ичимлик суви билан таъминлаш(мукаммал таъмирлаш)” объекти бӯйича лойиҳа-смета ҳужжатларни ишлаб чиқиш, лойиҳа олди ишларини бажариш (Топографо-геодезические и инженерно-геологические работы, Гидрогеологическое заключение) ҳамда ижобий эксперт хулосаси олиш ишларини бажариш. |
| Количество товара | 1.00 |

| | |
|---|---|
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 65 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 65 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Гувохнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Гувохнома мавжудлиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО SMART ARCHENG** | 10 | 5 | 10 | Экспертная | | |
| **ALFA-BEST-STROY MCHJ** | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №2 Ишларни бажаришга лицензия мавжудлиги;

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни бажаришга лицензия мавжудлиги;

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО SMART ARCHENG** | 20 | 15 | 20 | Экспертная | | |
| **ALFA-BEST-STROY MCHJ** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Солиқдан қарздорлиги йиғлиги тўғрисида QR кодли маълумотноманинг мавжудлиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқдан қарздорлиги йиғлиги тўғрисида QR кодли маълумотноманинг мавжудлиги.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО SMART ARCHENG** | 20 | 15 | 20 | Экспертная | | |
| **ALFA-BEST-STROY MCHJ** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №4 ўхшаш объектларда бажарилган ишлари тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги 1 йилда ўхшаш ишларни бажарганлик – буюртмачи чегаравий қийматининг 50 фоизидан юқори

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО SMART ARCHENG** | 20 | 15 | 20 | Экспертная | | |
| **ALFA-BEST-STROY MCHJ** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №5 талабгор тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Олий маълумотли қурилиш соҳасида 5 йил иш стажига эга раҳбарлар – 1 киши

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО SMART ARCHENG** | 10 | 5 | 10 | Экспертная | | |
| **ALFA-BEST-STROY MCHJ** | 10 | 10 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №6 талабгор тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Олий маълумотли профил бўйича 3 йил иш стажига эга сметачилар – 2 киши

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО SMART ARCHENG** | 20 | 15 | 20 | Экспертная | | |
| **ALFA-BEST-STROY MCHJ** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **ООО SMART ARCHENG** | 65 000 000.00 | 64 000 000.00 | 16.05.2022 11:20:30 | 98.44 |
| **ALFA-BEST-STROY MCHJ** | 65 000 000.00 | 63 000 000.00 | 18.05.2022 15:24:52 | 100.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО SMART** | Прошел | 98.44 | 98.44 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **ARCHENG** | | | |
| **ALFA-BEST-STROY MCHJ** | Прошел | 100 | 100 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 84810 от 19.05.2022 года на приобретение “Паркент тумани Наврӯз МФЙдаги (Шӯроп ва Гулзор) кӯчаларни ичимлик суви билан таъминлаш” определила победителем:

ALFA-BEST-STROY MCHJ
305890529

и резервный исполнитель: ООО SMART ARCHENG (306426041)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MUXITDINOV ISLOM ISROILOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | URALBAYEV FARMONBEK TURABAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | TUYCHIYEV SHOXRUX ORTIKJANOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | BOBOKULOV AZIM GAFUROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | KARIMOV KARIMJON YUSUFOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

my.gov.uz
Ягона Интерактив
Давлат Хизматлари
Портали

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги

№ 4954-495e-0991-0d2c-d484-0296-0756
Ҳужжат яратилинган сана: 2019-12-30

Ҳужжат берилган: ООО "ALFA - BEST - STROY"
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 305890529

**Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун**
**ЛИЦЕНЗИЯ**

ООО "ALFA - BEST - STROY" га объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича II тоифадаги объектлар учун қуйидаги:
Тўлиқ комплексда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари. А гуруҳи - Уй-жой-хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. Саноат қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. Сув хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. Қишлоқ хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. Транспорт ва йўл қурилиши объектлари ва комплексларини лойиҳалаштириш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. фаолият тур(-лар)и билан шуғулланишга лицензия берилди.

Лицензия берилган сана: 30-12-2019 йил

Лицензия рақами: АЛ-000471

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 305890529

Юридик шахснинг почта манзили: TOSHKENT VILOYATI PSKENT TUMANI BIRLIK MAXALLASI GULSHAN KO`CHASI

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

ИНОЯТОВ МИРАББОС МИРКОМИЛОВИЧ

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун repo.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

7486

ALFA-BEST-STROY

**XALQ DEPUTATLARI PARKENT TUMANI KENGASHINING QARORI**

**Parkent tumani 111300, Ichkiqo'rg'on ko'chasi, 5-uy.**

*2021 йил 3 ноябрь* **VI/XXXIX- XI– сон**

**Халқ депутатлари Паркент туман Кенгашининг 2021 йил 29 сентябрдаги VI/XXXVIII- I– сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини тизимли равишда ташкил қилиб бориш зарурлиги ва юқоридаги қарорлардан келиб чиққан ҳолда, Ҳалқ депутатлари туман Кенгашининг 2021 йил 12 майдаги **VI/XXX-II**-сон қарори ва унга асосан туман Ишчи гуруҳи таркиби, маблағларни жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорига асосан, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга қаратилган жамоатчилик фикри асосида шаклланган ва овоз бериш якунига кўра "ғолиб" таклифларни танлаб олиш ҳамда уларга маблағ йўналтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги" Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан Халқ депутатлари Паркент туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан ишчи гуруҳнинг 2021 йил 27 сентябрдаги йиғилиш баёни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. "Опен бюджет" портали орқали танлаб олинган таклифлар рўйхати **1-иловага** мувофиқ маъқуллансин.

3. Паркент тумани бўйича 2021 йилда жамоатчлик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш бўйича манзилли рўйхат **2-иловага** мувофиқ маъқуллансин. ***Манзилли рўйхатнинг 2-бандида кўрсатилган***

***тадбирга буюртмачи ташкилот этиб белгиланган - Туман ҳокимлиги жумласи Тошкент вилояти "Сув таъминоти ва оқова сув объектларини қурилиши бўйича" ИК жумласига ўзгартирилганлиги кўрсатиб ўтилсин.***

4. Халқ депутатлари Паркент туман Кенгашининг 2021 йил 29 сентябрдаги VI/XXXVIII- I– сонли қарорининг қолган барча жумлалари ўзгаришсиз қолдирилсин.

5. Туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари-иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи-ишчи гуруҳ раҳбари З.Йўлдашов юқоридаги киритилган ўзгартиришдан тегишли ташкилот ва корхона масъулларини хабардор қилиш вазифаси юклатилсин.

6. Мазкур қарор ижросини таъминлаш ва назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари-иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи-ишчи гуруҳ раҳбари З.Йўлдашов ҳамда туман ҳокимининг ўринбосари Э.Рахмонов ва комиссия аъзолари зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Паркент туман Кенгаши раиси** **Ш.Шоахмедов**

Халқ депутатлари Паркент туман
Кенгашининг 2021 йил 3 ноябрдаги
VI/XXXIX-XL-сонли қарорига 1-илова

**Жамоатчилик фикри асосида "Опен бюджет" портали орқали қолдирилган таклифларни баҳолаш, танлаб олиш ҳамда овоз бериш жараёнига рухсат берилиши тўғрисида**

**МАЪЛУМОТ**

| Т/Р | Таклиф қолдирган фуқаро | | | | Мурожаат | Ишчи гуруҳ хулосаси | | | | | Овозлар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | овоз бериш жараёнига рухсат берилган | | | | | |
| | Ф.И.О | Телефон рақами | ID рақами | Худуд номи | Мазмуни | Сони | Лойиҳанинг дастлабки қиймати | хулоса берган маъсул ташкилот | Хулоса | Берилган хулосага асосан қиймати | |
| | **ТУМАН БЎЙИЧА ЖАМИ** | | | | | **38** | **9 536 000 498,0** | **х** | **х** | **10 115 400 000,0** | **6072** |
| 1 | Отабек Орипов | 94-222-07-70 | 1880300053 | "Кумушкон" маҳалласи | Тошкент вилояти Паркент тумани 13-сонли умумий о'рта та'лим мактаби спорт зали қурилишини тугаллаши | 1 | 880 000 000,0 | Паркент туман ХТБ | танловга қўйилса мақадга мувофик бўлади | 880 000 000,0 | 1410 |
| 2 | Миразиз Мирвалийев | 99-443-66-73 | 1880300026 | "Бўрсилик" маҳалласи | Паркент тумани Бурсилик МФЙ Коммуна 2-тор кўчасининг 800 метр асфалт ётказиш керак | 1 | 400 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 336 000 000,0 | 1355 |
| 3 | Бобур Пўлатов | 99-884-27-21 | 1880300063 | "Наврўз" маҳалласи | Паркент тумани Наврўз маҳалласи шўроп ва гулзор кўчаларига ичимлик суви билан таминлаш учун Ер остидан 100-120метр узунликда қудуқ қазиб башния оркали уни аҳолига етказиб бериш ҳақида | 1 | 450 000 000,0 | Паркент туман Сув таъминоти бўлими | 422 нафар ахолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланади. | 769 300 000,0 | 981 |
| 4 | Хамидулла Қурбоналиев | 93-516-02-01 | 1880300039 | "Хўжа" маҳалласи | Паркент туманида жойлашган Бобомочин жоме масжиди қурилишига моддий ёрдам бериш | 1 | 100 000 000,0 | Ишчи гурух | | 100 000 000,0 | 671 |
| 5 | Бахтиёр Олимов | 99-926-18-87 | 1880300005 | "Бодомтепа" маҳалласи | Бодомтеппа МФЙ Шифокорлар кўчасини 200 метр қисмини асфалт қилиш | 1 | 90 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 84 000 000,0 | 386 |
| 6 | Мохира Тоирова | 99-641-19-48 | 1880300087 | "Қўшшукур" маҳалласи | Қушшукур МФЙ Самсарак кучасини 1 кмни асфалт килиш | 1 | 480 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 480 000 000,0 | 304 |
| 7 | Азиз Тўлаев | 94-429-86-06 | 1800300001 | "Сой" маҳалласи | Паркент тумани маҳаллий бюджетининг даромадларини орттириб бажарилган қисми хисобидан Паркент тумани Сой мфй Тамбалак кўчасини 500 метр йўлга асфальт ётказиш хамда электр симёғочларни янгилаб кўча чироқлари ўрнатиш | 1 | 250 000 000,0 | Паркент ТЙФУК ва Ободонлаштириш бошқармаси | 4 дона таянч устулари ўрнатиш<br>8 дона ёритиш чироқлари ўрнатиш<br>400 метр кабел линияси тортиш<br>Бошқарув кутиси ташкил этиш | 210 000 000,0 | 207 |
| 8 | Рустам Давидов | 94-362-90-06 | 1880300084 | "Қайилма" маҳалласи | Қайилма мфй тонг кўчаси канализациясини тамирлаш 200 метр масофасини | 1 | 150 000 000,0 | Паркент туман Сув таъминоти бўлими | | 150 000 000,0 | 167 |
| 9 | Фазлиддин Алиев | 94-423-90-70 | 1880300010 | "Истикбол" маҳалласи | Истикбол МФЙ 40-мактабдаги мавжуд ўқув синф хоналарининг 4 тасига линолиум ётқизилган. Хозирги кунда линолиумлар йиртилиб кетганлиги сабабли ўрнига тахтадан пол кокиш керак | 1 | 28 000 000,0 | Паркент туман ХТБ | танловга қўйилсин | 32 000 000,0 | 162 |
| 10 | Алимардон Латиббоев | 94-411-61-41 | 1880300050 | "Кичиккўргон" маҳалласи | Кичиккоргон МФЙ Кўктерак кўчаси Столба ва ёғочларни холати жуда ачинарли | 1 | 20 000 000,0 | Паркент ТЭТК | 11 дона темир-бетон таянчларни алмаштириш керак | 22 000 000,0 | 98 |
| 11 | Дилноза Акбарова | 94-367-12-30 | 1880300059 | "Бўрсилик" маҳалласи | Бурсилик МФЙ ни хакикат кучасини асфальт килиш | 1 | 10 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 250 000 000,0 | 93 |
| 12 | Дилмурод Эгамбердиев | 93-617-52-62 | 1880300074 | "Ойбек" маҳалласи | Ойбек мфй Янгихаёт кўчаси асфалтини тамирлаш | 1 | 48 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 48 000 000,0 | 72 |
| 13 | Хусан Туйчибоев | 93-605-52-12 | 1880300013 | "Сой" маҳалласи | Паркент шахри, Сой МФЙ, Тамбалак кучаси 1-25 уйлар манзилидаги йулни асфат килиш | 1 | 199 999 998,0 | Паркент ТЙФУК | | 168 000 000,0 | 54 |
| 14 | Саиджон Комилов | 93-162-41-11 | 1880300022 | "Бешкаппа" маҳалласи | Паркент тумани 8 сонли мактаб спорт майдончасини чим билан коплаш. | 1 | 150 000 000,0 | Паркент туман ХТБ | амалий ёрдам кўрсатиш максадга мувофик | 150 000 000,0 | 26 |
| 15 | Асадбек Йўлдошбоев | 99-911-19-45 | 1880300040 | "Бойкозон маҳалласи | Туман ҳудудида жойлашган масжидларни жорий та'мирлаш | 1 | 50 000 000,0 | Ишчи гурух | | 50 000 000,0 | 20 |
| 16 | Шавкат Абдурахимов | 94-598-93-32 | 1880300027 | "Чўққайма" маҳалласи | Асосий йўлдан асфалтгача бўлган 85 метр масофани асфалт килиш | 1 | 40 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 43 200 000,0 | 16 |

| Т/Р | Таклиф қолдирган фуқаро | | | | Мурожаат | Ишчи гурух хулосаси | | | | | Овозлар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | овоз бериш жараёнига рухсат берилган | | | | | |
| | Ф.И.О | Телефон рақами | ID рақами | Худуд номи | Мазмуни | Сони | Лойиханинг дастлабки қиймати | хулоса берган маъсул ташкилот | Хулоса | Берилган хулосага асосан қиймати | |
| 17 | Миргиёс Махкамбоев | 99-892-36-35 | 1880300082 | "Мозорхожи" махалласи | Мозорхожи мфй Маъмур кўчаси электор тармоғидаги трансформатор ва электор симларини янгилаш | 1 | 100 000 000,0 | Паркент ТЭТК | Янги трансформатор пункти хамда хаво тармоги қуриш керак | 100 000 000,0 | 13 |
| 18 | Бахтиер Туйчиев | 99-646-47-86 | 1800300003 | "Ойбек" махалласи | Туманни марказида иккита жойга светофор урнатиш керак 1 Эргаш ота мехмонхонаси-Саховат туйхонаси-супермаркет-стоянка кесишмасини очиб светофор куйиш керак 2 Автошохбекат-туман маркази-шахар томондан келиш йуллари кесишадиган жойга светофор куйиш керак 3 Бозор енидан утадиган Йул устидаги барча пешеходни олиб ташаш керак | 1 | 150 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 400 000 000,0 | 11 |
| 19 | Сарвар Салиев | 99-004-52-52 | 1880300080 | "Ойбек" махалласи | Ойбек МФЙ Зиёлилар кўчасидаги 10 Дона эски Электр столбаларни алмаштириш | 1 | 10 000 000,0 | Паркент ТЭТК | 10 дона темир-бетон таянчларни алмаштириш керак | 20 000 000,0 | 7 |
| 20 | Анвар Рузматов | 99-826-94-06 | 1880300042 | "Кўшшукур" махалласи | Паркент шахри Кушшукур м.ф.й. Дехконобод кучаси 6- оралик кучасида мавжуд эскирган электр сим ёгочларни ахоли хонадонларидан кучага кучириб сим ёгочларни янгилаш | 1 | 30 000 000,0 | Паркент ТЭТК | | 20 000 000,0 | 4 |
| 21 | Мукаррам Салимова | 99-853-31-83 | 1880300065 | "Гулистон" махалласи | Қорақалпоқ қишлоғи Кунгай кўчасида 280 метр жойни асфалт қилиш | 1 | 120 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 117 600 000,0 | 4 |
| 22 | Миржамол Мирзаакбаров | 94-429-49-25 | 1880300004 | "Кўшшукур" махалласи | Кўшшукур МФЙ "Дехконобод" кўчасининг 4- va 6- тор кўчаларига 1200 метрга асфалт ётқизиш | 1 | 500 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 576 000 000,0 | 3 |
| 23 | Хожия Йўлдошбоева | 94-360-25-22 | 1880300043 | "Куёш" махалласи | Хисорак қишлоғида жойлашган Акушерлик комплексини таъмирлаш | 1 | 68 000 000,0 | Ишчи гурух | | 68 000 000,0 | 2 |
| 24 | Жамолиддин Ғиёсов | 94-218-67-71 | 1880300044 | "Ўчок" махалласи | Ўчоқ МФЙга кўча чироқларини ўрнатиш | 1 | 52 000 000,0 | Ободонлаштириш бошкармаси | | 52 000 000,0 | 1 |
| 25 | Усмонхужа Соатов | 99-891-27-71 | 1880300055 | "Кунгай" махалласи | Кунгай МФЙ Навдак кўчаси Махалани асфалт қилиш Аҳолига қулайлик яратиш | 1 | 300 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 300 300 000,0 | 1 |
| 26 | Умиджон Туйчиев | 97-116-44-87 | 1880300081 | "Наврўз" махалласи | Навруз мфй Янгихаёт кўчасидаги эски тамирталаб ланализасияни тамирлаш | 1 | 650 000 000,0 | Паркент туман Сув таъминоти бўлими | | 650 000 000,0 | 1 |
| 27 | Жамолиддин Асомов | 99-802-60-41 | 1880300085 | "Истикбол" махалласи | Истикбол МФЙ А.Навоий кўчасида ичимлик сувн 500 метр масофада тортиш | 1 | 200 000 000,0 | Паркент туман Сув таъминоти бўлими | 544 нафар аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланади. | 76 000 000,0 | 1 |
| 28 | Охунжон Баратов | 99-810-35-32 | 1880300086 | "Ойбек" махалласи | Ойбек мфй Азим Соатов кўчасини 800 метр масофани асфалт қилиш | 1 | 335 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 336 000 000,0 | 1 |
| 29 | Лазиз Нуриддинов | 99-398-53-33 | 1880300088 | "Чўққайма" махалласи | Чўққайма мфй Гулбоғ кучаси буйлаб мактабгача булган масофага 1 км узунликда болалар хавфсизлиги учун пиёдалар йўлакчаси қуриш | 1 | 200 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 200 000 000,0 | 1 |
| 30 | Шохрух Йўлдошбоев | 99-722-19-45 | 1880300006 | "Чўққайма" махалласи | Паркент тумани Чўққайма махалласи Гулбоғ кўчасида жойлашган хозирги вақтда бўш, қаровсиз ётган майдондан унумли фойдаланиб, махалла ёшларини спортга кенг жалб қилиш (соғломлаштириш) мақсадида спорт майдончаси (сунъий қопламалий футбол майдончаси va Workout майдончаси) қуриш | 1 | 250 000 000,0 | Ишчи гурух | | 350 000 000,0 | 0 |
| 31 | Ботирали Жўрабоев | 90-044-86-87 | 1880300015 | "Нуробод" махалласи | Паркент тумани Чанги қишлоғи Нуробод МФЙ Шахак кўчасининг 1100 метр қисмини асфалт қилиш | 1 | 470 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 462 000 000,0 | 0 |

| Т/Р | Таклиф қолдирган фуқаро | | | | Мурожаат | Ишчи гурух хулосаси | | | | | Овозлар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | овоз бериш жараёнига рухсат берилган | | | | | |
| | Ф.И.О | Телефон рақами | ID рақами | Худуд номи | Мазмуни | Сони | Лойиханинг дастлабки қиймати | хулоса берган маъсул ташкилот | Хулоса | Берилган хулосага асосан қиймати | |
| 32 | Зафар Ахмедов | 99-839-77-83 | 1880300047 | "Олмазор" махалласи | Олмазор махалласи Чўлқудуқ кўчасини Махалламизга биринчи новбатда асфалт ётказиш, кўлбола ёгоч устун (столба) ларни замонавий бетон устун (столба) ларга алмаштириш хамда 1972-1995 йиллар давомида ишлаган (хозирда ишламайди) иккита мавжуд артизан қудуқни қайтадан тўлик тамрлатиб ичимлик суви билан таминлаш. Махаламиздаги ушбу муаммолар хал этилса яхшибўлар эди | 1 | 900 000 000,0 | Паркент ТЙФУК, Паркент ТЭТК | 6 дона темир-бетон таянчларни алмаштириш керак, 12000000 сўмга | 900 000 000,0 | 0 |
| 33 | Жалолиддин Махмудов | 99-441-20-40 | 1880300057 | "Обжувоз" махалласи | Қадрият,истедод,А.Навоий кўчаларини асфалтлаш ва болаларга суний қопламали футбол майдончаси қуриш | 1 | 800 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 500 000 000,0 | 0 |
| 34 | Мехриддин Алматов | 99-826-29-55 | 1880300062 | "Наврўз" махалласи | Паркент тумани Наврўз МФЙ худудига кирувчи Нурли хаёт, Амир Темур, Гулзор кўчаларини қайта таъмирлаш | 1 | 500,0 | Паркент ТЙФУК | | 150 000 000,0 | 0 |
| 35 | Хуршида Ғанихонова | 94-214-02-86 | 1880300067 | "Сой" махалласи | Сой махалласи Тамбалак кўчасини 200 метр қисмини асфалтлаш | 1 | 90 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 84 000 000,0 | 0 |
| 36 | Махбуба Назруллаева | 99-870-75-60 | 1880300069 | "Наврўз" махалласи | Наврўз МФЙ Амир Темур кўчасини 650 метр жойини асфалт қилиш керак | 1 | 300 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 273 000 000,0 | 0 |
| 37 | Наргиза Эргашева | 99-005-72-38 | 1880300072 | "Истиқбол" махалласи | Истиқбол мфй Боғишамол кўчасида Сарбон чойхонаси жойлашган кўча 400 метр атрофида асфалт ёткизиш | 1 | 165 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 168 000 000,0 | 0 |
| 38 | Нодир Обидов | 99-817-27-20 | 1880300083 | "Чўққайма" махалласи | Чўққайма мфй Нафис кўчасидаги 1 км узунликдаги йўлни асфалт қилиш | 1 | 500 000 000,0 | Паркент ТЙФУК | | 540 000 000,0 | 0 |

Халқ депутатлари Паркент туман Кенгашининг 2021 йил 3 ноябрдаги VI/XXXIX-XI-сонли қарорига 2-илова

**Паркент тумани бўйича 2021 йилда жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш бўйича**

**МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ**

*минг сўмда*

| № | Ғолиб таклиф маълумотлари | | | Амалга оширишнинг аниқланган қиймати | Ҳақиқатда ажратилган | Молиялаштириш манбаси (ФТЖ, қўшимча манба, бюджет параметри) | Буюртмачи ташкилот |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Таклиф ID рақами | Қисқача мазмуни | Тўплаган овозлари сони | | | | |
| "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"да шаклланган маблағ | | | | | 999 543 | х | х |
| 1 | 1880300026 | Паркент тумани Бурсилиқ МФЙ Коммуна 2-тор кўчасини 800 метр асфалт ётказиш керак. | 1355 | 336 000 | 336 000 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Туман ободонлаштириш бошқармаси |
| 2 | 1880300063 | Паркент тумани Наврўз маҳалласи шўроп ва гулзор кўчаларига ичимлик суви билан таминлаш учун ер остидан 100-120 метр узунликда кудук казиб башния оркали уни аҳолига етказиб бериш хакида* | 981 | 769 300 | 769 300 | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси, 3-чорак даромадлар режасининг ортгириб бажарилган қисми | Тошкент вилояти "Сув таъминоти ва оқова сув объектларини қуриш бўйича" ИК |
| Тақсимланмаган маблағ | | | | | -105 757 | Х | Х |

**) Изоҳ: Аниқланган смета ҳужжатлари асосида маблағлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорига асосан шахсий характердаги харажатларга йўналтирилмайди.*